Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 3-MART • PAYSHANBA • 26 (27.361) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

АНДИЖОН (ЎзА мухбири С.Шукуров). Андижон вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда 2004 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби иштирокида ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими С.Бегалиев бошқарди.

Таъкидландики, ўтган йилда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва фермерликни ривожлантириш ҳисобидан вилоятда ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шу билан бирга, мавжуд муаммолар танқидий таҳлил этилди. 2004 йилда вилоятда ўнлаб хусусийлаштирилган корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган, айримлари эса ўз фаолиятини тўхтатган. «Ойимпарранда», «Чинор», «Тожметалл», «Элжиҳоз» акциядорлик жамиятлари, Қорасув шаҳридаги пайпоқ ишлаб чиқариш фабрикаси, Полвонтош пойабзал фабрикасида шундай вазият юзага келган.

Вилоятдаги 96 асосий саноат корхонасининг аксарияти маҳаллий хомашё асосида ишласа-да, улардан 42 тасида саноат маҳсулотлари, 36 корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган. 2004 йилда ташкил этилган янги иш ўринларининг 15 фоизигина доимий ҳисобланади.

Санацияга тушган корхоналарнинг ташқи бошқаруви фаолияти устидан мониторинг юзаки амалга оширилмоқда. Шу сабабли бундай корхоналарнинг бюджет олдидаги қарзлари катталигича қолмоқда. Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармалари, республика товар-хомашё биржаси филиалининг фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик тармоғидаги ишлар аҳволи, ижтимоий соҳа, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги аҳвол ҳам жиддий танқид қилинди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар учун мутасадди раҳбарлар шахсан жавобгар эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ХОРИЖГА ҲАМ ЧИҚАРИЛАДИ

«Шовоттекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлаганига ярим йилдан ошди. Шу даврда корхонада маҳаллий ёшларнинг юз нафардан зиёдроғи муқим иш билан таъминландилар. Туркия ва Покистондан келган мутахассислар уларга ўқув ва амалий машғулотлар ўтишди.

Ўтган муддатда корхонада эркаклар ва ёш болаларнинг эллик турдан ортиқроқ кийим-кечакларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Маҳсулотларнинг аксари вилоят ва республикамиз бозорларига чиқарилди.

Амалдаги йилдан бошлаб эса корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар хорижга ҳам чиқарила бошланди. Германиянинг «Шульц» фирмаси билан имзоланган шартномага кўра «Шовоттекс» бу йил Европа бозорлари учун 3 миллион АҚШ доллари баҳосидаги енгил саноат маҳсулотлари етказиб беради.

Рўзимбой ҲАСАН

ЭКСПОРТГА ЖЎНАТИЛАДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Наманган саноатчилари учун ҳам бир қатор имкониятлар очди. Қарор асосида ўз интилишлари йўналишини янада аниқлаб олган «Наманганмаш» акциядорлик жамияти меҳнат аҳли маҳсулот экспорт қилиш бўйича аввалги йилга нисбатан 3,8 марта ўсишга эришди.

Ўтган йил якунига кўра, бу ерда 694,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, уларнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларига етказиб берилди. Эвазига корхона хазинасига 506 минг (аввалги йилга нисбатан 392 минг кўп) доллар даромад тушди. Амалдаги йилнинг дастлабки ойидаёқ хорижлик буюртмачилар сафи янада кенгайди: Тожикистон ва Туркманистон республикалари ҳам «Наманганмаш» билан ҳамкорлик қиладиган бўлди.

Корхонада бу йил 1,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Унинг 70-75 фоизи экспортга чиқади ва қўлга киритилган 9001 серияли ИСО халқаро сифат сертификати жамоага дунёнинг 72 давлати билан шерикчилик қилишга йўл очади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ГРЕК МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультетида «Грек маданияти маркази» иш бошлади.

— Ушбу марказнинг ташкил этилиши билан грек тили, маданияти ва урф-одатларига қизиқувчи ёшларимиз учун катта имконият яратилди, — дейди университет ректори, профессор Равшан Ашуров. — Бу марказ нафақат бизда таълим олаётганларга, балки бутун мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга хизмат кўрсатади. Ҳамкорлигимизни кейинчалик ҳам давом эттириб, келгусида биз ҳам Греция олий ўқув юртларида ўзбек маданияти марказлари ташкил этилишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

— Миллий университетда тўрт йилдан бери ёшларга грек тилидан таълим бериб келмоқдаман, — дейди Георгис Триархиса. — Шу вақт мобайнида талабалар билан салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Уларнинг мамлакатимиз тарихи ва маданиятига қизиқишлари катта. ЎзМУнинг иқтидорли талабалари Грециянинг қадимий шаҳарларини кўриб қайтишди. Мен ўйлайманки, янги ташкил этилган бу марказ халқларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада бойитишга хизмат қилади.

Маъмуржон МАҲМУД

ЎзХДП ҳаёти

ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюроси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиянинг депутатлар гуруҳи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов маъруза қилди.

Мажлисда шаҳар Кенгашидаги партия депутатлар гуруҳининг тузилганлиги расман эълон қилинди, депутатлар гуруҳи тўғрисидаги низом тасдиқланди, депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биргаликдаги тадбирлари режаси қабул қилинди.

Тошкент шаҳрида ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашида сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида ўзининг сиёсий йўлини белгилаган ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва ХДП депутатлар гуруҳи меҳнат кишиларининг, шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож табақаларининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, халқ депутатлари шаҳар Кенгашида аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилишни таклиф этади. ЎзХДП депутатлар гуруҳи Тошкент шаҳрида ислоҳотларни амалга оширишнинг, уларнинг самарадорлигини яхшилашнинг айрим масалалари бўйича муқобил таклифлар ишлаб чиқиш ва киритишни истисно қилмайди.

Мажлис ишида туман партия кенгашларининг котиблари ва ходимлари, шаҳар партия кенгашининг аъзолари, йирик партия ташкилотларининг котиблари, олимлар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлис иштирокчилари ечимини кутаётган долзарб масалалар бўйича ўз таклифларини билдирдилар. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ва шаҳар партия ташкилотининг ишини ташкил этиш бўйича ҳам таклифлар билдирилди. Иқтисод фанлари доктори, Иқтисодиёт ва бизнес мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори Гулчеҳра Охунова халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳининг раиси этиб сайланди.

Қўшма мажлисда ЎзХДП МК котиби М.Ельшов сўзга чиқди.

Норбобо ШАКАРОВ

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар якуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ЎзХДП фракцияси Баёноти ҳақида атрофлича фикрлашиб олинди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев мазкур Баёнотнинг мазмун-моҳиятини сўзлаб берди.

— ЎзЛиДеП, Фидокорлар миллий демократик партияси, «Адолат» Социал-демократик партияси Қонунчилик палатасидаги фракциялари «Демократик блок»ка расман бирлашганларини биласиз, — деди биринчи котиб. — Партиямиз бу блокка нисбатан ўз муносабатини билдирди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу Баёнот эълон қилиниши билан партиямиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш ғояларига ҳамиша содиқлигини яна бир бор намойиш этди.

Мазкур масала юзасидан Вобкент, Бухоро, Шофиркон, Пешку туман партия кенгашлари котиблари — Т.Авезов, С.Жўраева, А.Асадов, Э.Холовлар ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларида партиямиз ва унинг фракцияси тутган йўлини маъқулладилар.

Шунингдек, фаоллар йиғилишида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарликнинг бориши ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шу куннинг муаммоси

Сўнгги йилларда Сирдарё ҳавзасида қиш-баҳор фасларида вужудга келаётган сув тошқинлари ва қизғин ёз палласида сув танқислиги муаммолари кўпчиликни ташвишга солмоқда.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб — Орол денгизи, бугун эса дарёларимизда вужудга келаётган нохуш аломатлар нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё халқларини ҳам ташвишлантириб турибди. Хусусан, сув тошқинлари билан боғлиқ экологик хатар хавф солмоқда...

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув муаммолари институти директори Эрназар МАҲМУДОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

СИРДАРЁ ҲАВЗАСИ: ТАШВИШ ВА ТАҲЛИКА



— Дарвоқе, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб вужудга келган Орол денгизи фожиаси, биринчи навбатда, мазкур денгиз ҳавзасини шакллантирувчи икки дарё — Аму ва Сир сувларининг минтақада яшаётган аҳоли турмуш тарзини белгилайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган талабини қондиришга нотўғри сарф этилганлиги натижасидир. **Биринчидан,** Орол денгизи фожиаси ўта қисқа даврда рўй берганлиги — сувга бўлган талаб билан ундан фойдаланишга мўлжалланган технологиялар орасидаги муносабатлар номутаносиблиги оқибати. Бошқача айтганда, дарёларнинг бош қисмларида йирик гидроэнергетика иншоотлари барпо этилди-ю, энергия тежамкорлиги масаласи эса назардан қолди. Суғорма деҳқончилик талабларини қондириш мақсадида, Орол денгизи ҳавзасида шакланадиган сув ресурсларининг 90 фоизидан ошиғи сарф этилиши таъминланди-ю, бироқ бунча миқдордаги сувдан фойдаланиш самарадорлиги оширилмади. Булар денгиз фожиаси тезлашувига сабаб бўлиш билан бирга тупроқ ва сувнинг ҳам шўрланишига, экологик муҳитнинг кескин ёмонлашувига олиб келди.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошига келиб, салбий жараёнларнинг «оғир»лик маркази инсон ҳаёти манбаи — дарёлар томон силжий бошлади. Шу ўринда айтиш жоиз, инсон океан ва денгиз сувларининг беқиёс қувватига ҳар қанча таъсир ўтказишга уринмасин, унинг акс таъсири тез содир бўлиши — аксиома. Тинч ва Ҳинд океанларида охирги пайтда кузатилаётган довул ва цунамилар ҳам фикримизнинг далили.

Қолаверса, акс таъсир жараёнлари ер курраси табиати мувозанатини барқарор қилиб турган ҳамда сув айланиш тизимининг маҳсули бўлмиш дарёлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда: жумладан, Европа, Осиё ва Америка қитъалари дарёларидаги тошқинлар...

— Бундай сув тошқинлари муаммоси Марказий Осиё ҳудудида ҳозир қай даражада? Улар минтақада қандай кўринишларда намоён бўлиши мумкин?

— Сув тошқини муаммоси Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистонда цивилизацияни шакллантиришда асосий ўрин тутган Сирдарё мисолида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур дарё узунлиги жиҳатидан 2790 километр бўлиб, Марказий Осиёда биринчи, жаҳонда эса (энг узун дарёлар рўйхатида) 23-ўринда туради. Дарё сувини шакллантирадиган майдон 150 минг квадрат километрга тенг бўлиб, кўп йиллик маълумотларга қараганда, ўртача бир йилда 38 куб километр сув оқимини вужудга келтиради. Ўртача қийматга тенг бу йиллик сув — дарё оқимининг 26 куб километри ёки 68 фоизи Тянь-Шан тоғларидан Тожикистоннинг Қайроққум сув омборигача бўлган қисмида шакланса, Чордара сув омборига келиб, бу миқдор 35,5 куб километр ёки 93,5 фоиз, Чордарадан кейинги қисмида эса дарёда 2,5 куб километр ёки 6,5 фоизгина сув қолади.

Сирдарё сувининг йил фасллари бўйича шакланиш жараёнларини қарайдиган бўлсак, қиш мавсумида дарё сувининг 11 фоизи шакланса, баҳорда 31, ёзда 51, кузда эса 7 фоизи оқимга тушади. Шу жиҳатдан Сирдарё ҳавзаси суғорма деҳқончиликка мос бўлиб, ҳудудда қадимдан суғорма деҳқончилик ривож топган. Юқоридаги Сирдарёнинг табиий шакланувчи сувининг атиги 5 фоизидан суғорма деҳқончиликда бевосита фойдаланиш имкони мавжудлигини айтдик, XX асрнинг 40-йилларидан дарёни жиловлаб унинг бу имкониятларини кенгайтириш масаласи кўндаланг қўйилди. Шу билан бирга, Сирдарёда табиий муҳит таъсирида ҳар йили ҳар хил миқдорда сув шаклланишини айтиш жоиз. Жумладан, дарёнинг Чордара қисмидаги кузатувларга қараганда, дарёда йилига энг кам 25 куб километр сув шакланган бўлса, 1969 йил 59 куб километр сув оқиб келганлиги аниқланган.

Сув танқислиги деҳқончилик ва истеъмол муаммосини келтириб чиқарса, кўплиги эса катта миқдордаги сув тошқинларини вужудга келтиради. Шу жиҳатдан Сирдарё узун бўлиши билан бирга ҳар хил иқлимли шароитга эга ҳудудлардан ҳам оқиб ўтади. Дарёнинг ўрта ва бошланғич қисмларида ҳарорат таъсирида сувнинг шаклланиши унинг кескин кўтарилиши жараёни бошланганда бўлади. 30 фоиздан ошиқроқ узунликдаги қисмида эса ўзанни қалин муз қоплаб, оқим учун катта тўсиқ ҳосил қилиб туради. Ушбу хусусият дарёнинг қуйи қисмида ўзанини ўзгартириб туриш ҳолатларини келтириб чиқаради. Дарёнинг Чордара атрофидаги Арнасой чуқурлиги ва қуйи қисмида қум билан қопланиб қолган ирмоқлари ҳам сув тошқинлари маҳсулидир.

— Тошқин хавфи республикамиз ҳукуматининг доим диққат-эътиборида бўлиб келади ва мудом муайян тадбирлар белгиланади...

— Сирдарёда содир бўладиган сув тошқинларининг олдини олиш ва сувдан эҳтиёж даражасида фойдаланишга имкон яратиш учун оқим тизимини бошқариш мақсадида ҳавзада умумий ҳажми 35 куб километрга тенг сув омборлари тизими барпо этилди. Бу ҳажмдаги сув омборлари қурилган даврда дарё оқимининг ўртача миқдордаги қийматини 95 фоизгача жиловлаб бошқариш мумкин эди.

Шу билан бирга дарёдаги сув оқими ўртача миқдордан ошиқроқ бўлган йиллар ҳам тез-тез учраб туради. Бу йилларнинг қиш-баҳор ойларида Қозоғистоннинг Сирдарё атрофида жойлашган ҳудудлари, саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги майдонлари, аҳоли яшайдиган йирик масканлар (Қизилўрда ва шу кабиларда) Россияга ўтувчи темир йўл инфратузилмалари ва айниқса, Бойқўнғир тизимларини сув босишидан сақлаш учун Чордара сув омбори барпо этилиб, дарёнинг чап қирғоғида Ўзбекистон ҳудудига қарашли Арнасой чуқурлигида ошиқча сувни ташлаш учун 2100 куб метр/с имкониятга эга гидротехника иншооти барпо этилди. Шундан бошлаб, Арнасой чуқурлиги Қирғизистон ва Тожикистонда жойлашган ирригация ва гидроэнергетика иншоотларининг хавфсиз фаолиятини таъминлаш билан бирга Қозоғистоннинг талайгина ҳудудларини ҳам тошқиндан ҳимояловчи асосий «манзил»га айланиб қолди.

Арнасой чуқурлигида 1957 йилгача, яъни Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши бошлангунча ва Чордарада сув ташловчи иншоот ишга тушгунга қадар дам-бадам ботқоқлик ва шўрхоқ пайдо бўлиб турадиган учта кўл: Тузкон, Арнасой ва Ҳайдаркўллар мавжуд эди. Чордара сув омборидаги сув ташлаш иншооти ишга туширилганидан ва Мирзачўлдан коллектор-зовур ҳамда ташландиқ сувлар кўллар ҳудудига йўналтирилгандан сўнг (айниқса 1969 йили ушбу кўлларга 20 куб.километрдан ошиқ сув ташлангандан кейин) уч кўл бирлашиб — Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланишига олиб келди. Собиқ Иттифоқ ва Марказий Осиё мутахассислари ушбу кўллар тизими Ўзбекистонга зарар етказмайди, чунки Арнасой чуқурлигидаги кўлларда сув баланси ҳисобларига кўра, унда ҳеч қачон катта сув тўпланиб қолишига имкон бўлмайди, деб ишонч билдирган эдилар. Афсуски, ҳозиргача ҳам шундай фикрлар мавжуд, бироқ бу фикрлар Сирдарё ҳавзасидаги вазиятни тобора чигаллаштириб келмоқда. Айни пайтда 1990 йилларга қадар ишлаб чиқилган «Сирдарё ҳавзасидаги сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш» деб номланган схема (ишланма)ларда Арнасой сувидан фойдаланиш имкони ҳақида бошқа таклифлар ҳам бор эдики, аммо уларнинг бариси қуруқ хаёл бўлиб қолиб кетди. Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш лозим, Арнасой чуқурлигидаги сув баланси ўша даврда ҳисобланган даражада сақланган тақдирда ҳам, кўллар атрофида шаклланиши мумкин бўлган катта миқдордаги тузлардан ва уларнинг Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари далаларига кўчиб ўтишидан ҳимоялайдиган бирон-бир тадбир ишлаб чиқилмади.

2-БЕТ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK –
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Шу куннинг муаммоси

СИРДАРЁ ҲАВЗАСИ: ТАШВИШ ВА ТАҲЛИКА

ёхуд сув тошқинлари билан боғлиқ экологик хатар ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шундай қилиб, йирик лойиҳалар даврида Сирдарё ҳавзасидаги тангликни енгиллаштиришга мўлжалланган Арнасой чуқурлиги Ўзбекистоннинг каттагина ҳудудидаги суғориладиган ер майдонлари, яйловлари, йўл ва тоғкон инфратузилмаларини «вазият гарови»га айлантириб қўйди. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, бу тангликни бартараф этиш фақат Ўзбекистоннинг зиммасида қолиб кетди.

— Сирдарё имкониятларидан қўшни республикалар ҳам фойдаланган, бошқарув ричаглари — омиллари...

— Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш схемаларига асосланган йирик бошқариш ричаглари — сув омборлари ва бошқа гидротехник иншоотлар барпо этилди-ю, уларни бевосита бошқариши лозим бўлган республикаларда унинг ҳуқуқий механизмлари шакллантирилмади. XX асрнинг охири ва XXI асарнинг бошида Марказий Осиё давлатларида сув ресурсларига бўлган иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгариб кетди. Сув ресурсларини бошқаришнинг янги омиллари изланмади. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммаси бир зумдаёқ ҳал бўладиган муаммолар эмасди.

Негаки, Сирдарё ва Амударё тизимлари биринчи навбатда суғорма деҳқончиликни сув билан таъминлашга мўлжалланган. Барпо этилган улкан ва ўта мураккаб сув бошқаруви тизимининг дарё ўзани ҳолатлари ҳамда атроф-муҳит билан мослашуви жараёни қарийиб 20 йилга тенг даврни қамраб олганди. 1993 йиллардан бошлаб, сув ресурсларини бошқаришга бўлган муносабат кескин ўзгара бошлаган бўлсада, технологик тизимлар эскича ҳолатда қолаверди. Улар орасидаги зиддиятлар сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, унинг сифат кўрсаткичларига, воҳадаги экологик муҳитга, қишлоқ хўжалиги унумдорлигига ва ниҳоят, сув энергиясидан самарали фойдаланишга жиддий зарар етказа бошлади.

Бундай салбий жараён туртки бўлиб, унинг ўта кескинлашувига Қирғизистон Республикаси Жўқорги Кенгеши (2001 йил 23 июль) қабул қилган ва 2001 йил 29 июлда Қирғизистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган «Қирғизистон Республикасида сув объектлари, сув ресурслари ва сув хўжалиги иншоотларидан давлатлараро фойдаланиш» тўғрисидаги қонун сабаб бўлди. Оқибатда, Сирдарёда 30 йиллар мобайнида шакллган сув тошқинларини бартараф этиш тизими издан чиқди, дарёда суньий сув тошқинлари содир бўлиш ҳоллари жадаллашди. Ҳавзадаги тошқинларни бартараф этиш каби ўта мураккаб вазият асосан Ўзбекистон зиммасига юкланиб қолди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Сирдарёнинг текисликда оқадиган ҳудудида жойлашганлиги учун унинг тошқин сувларини қабул қилиш имкониятлари чекланиб қолган.

Сирдарё ҳавзасида вазият кескинлашувига мавжуд сув омборлари имкониятлари ва амалдаги ҳажмининг талайгина қисми лойқа билан тўлиб қолгани ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Жумладан, ҳавзадаги сув омборлари ҳажми ҳозир 35 куб километр эмас, балки 27-28 куб километр атрофидадир.

Хўш, одатда ҳар 20 йилда дарёнинг Чордара қисмигача шаклланиши муқаррар бўлган 52 куб километр сув келса ёки 1969 йилдаги каби у 59 куб километргача кўпайса, нима бўлади? Табиийки, бундай ҳолат талафотга олиб келади. Чунки Арнасой чуқурлигида охирги йилларда шаклланган Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимидаги сув миқдорининг ҳажми 44 куб километрдан ошиб кетди. Ундаги сув сатҳи Сирдарё сув сатҳи даражасига интилаётганлиги билан тенг даражада. Бу — Навоий ва Жиззах вилоятларида каттагина ер майдонларини сув олиб кетишига, коллектор-дренаж тизимлари тўла ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.

— Тангликни бартараф этиш мумкинми? Сув муаммолари институти жамоаси бу борада қандай илмий тадқиқотлар ўтказмоқда?

— Бартараф этиш мумкин. Буни институтимиз олимлари Сирдарё ҳавзасида ва Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимида охирги 10 йил мобайнида ўтказган тадқиқотлар хулосалари тасдиқлаб турибди.

Биринчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг мутасадди сув хўжалиги ташкилотлари томонидан Сирдарё ҳавзасида олиб борилган «фаолиятлар» туфайли дарё ҳавзаси тизимида иншоотларни ва айниқса, сув омборларини мувофиқлаштирадиган бошқарув асослари издан чиқарилган. Оқибатда, дарёнинг ўрта ва қуйи қисми ҳудудлари сув тошқинидан ҳимояланиш имкониятларидан махрум бўлган. Қуйи қисмида сув билан боғлиқ вазият бундан кейин ҳам кескинлашиб бораверишги бор гап. Ҳайдар-Арнасой кўллари тизимининг ортиқча сувни қабул қилиш имкониятлари ҳам тобора камайиб бориб, (вазиятнинг бу тариқада давом этиши) катта-катта ҳудудлар сув остида қолиб кетишига ва Сирдарё чучук суви кўлнинг шўр суви билан қўшилиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида экологик инқирозни вужудга келтиради.

Иккинчидан, Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимининг ёпиқ режимдаги ҳолати тобора миқдори кўпайиб бораётган сувнинг буғланиши оқибатида кўл сувининг шўрланиши даражасини янада ошириб, яқин йилларда унинг ҳар бир литр сувидаги туз миқдори 20 граммга етиб боришини таъминлаши мумкин. Бу ҳам экологик танглик сари одим...

Учинчидан, тангликни бартараф этишга кўллар тизимини фақат оқувчан ҳолатга ўтказиш орқалигина эришиш мумкин. Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимининг оқувчанлик режимига ўтказилиши — Зарафшон ҳавзасида маълум даражада сув хўжалиги тадбирлари олиб боришни ва Қизилқумда ҳам шу каби муаммолар билан боғлиқ экологик муаммоларни тезроқ ҳал этишни тақозо этади. Бу борада ҳам ҳозир қатор илмий фикрлар бор.

Тўртинчидан, Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимини оқувчан режимга айлантиришга сарф этилиши мумкин бўлган сарф-харажатлар бирламчи хомчўтларга кўра, Арнасой ва Резаксой сув омборлари сарф-харажатларидан кам ва ундан олиниши мумкин бўлган самара эса нисбатан бир неча баробар кўп. Бу тадбирни амалга ошириш — Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатлари учун манфаат келтиришини назарда тутиб, уларнинг маблағларини ҳам жалб этиш керак бўлади. Агар Ҳайдар-Арнасой кўллари тизимида мавжуд танглик тўла бартараф этилса, Тўхтағул ва Қайроққум сув омборлари энергетика қувватларини режали ишлатиш имкони яратилади. Қозоғистон учун-ку, сув тошқини муаммолари батамом ечилади.

Бешинчидан, Ҳайдар-Арнасой кўллари тизимида оқувчанликни шакллантиришни сув хўжалиги ташкилотларидаги ҳозирги мавжуд тартибсиз (охирги йилларда илмий асосланмаган усуллар билан) амалга ошириб бўлмайди. Чунки, кўлда шаклланаётган гидрологик ва гидрокимёвий жараёнлар ўта мураккаб. Уларни ҳисобга олмаслик яна бир экологик инқирозни вужудга келтириши муқаррардек бўлиб қолаяпти.

Олтинчидан, дунё тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг сув объектларига таъсири шунчалик катта кўламга етдики, бундан кейин етарли даражада асосланмаган ҳар қандай тадбир вақти келиб, жуда катта талафотлар келтириши мумкин.

Мухтасар айтганда, хулоса шуки, бундан кейин амалга ошириладиган ҳар қандай тадбир чуқур илмий асосланган бўлиши шарт. Бунинг учун ҳозир Ўзбекистон сув хўжалигида ҳар қандай тадбирни илмий асослаб бера оладиган илмий салоҳият етарли.

Суҳбатдош: Замон АЛИ

АКАДЕМИК ЁЛҚИН ХОЛМАТОВИЧ ТЎРАҚУЛОВ



Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим биокимё ва тиббиёт соҳасининг йирик намояндаси, илм-фан ташкилотчиси, академик Ёлқин Холматович Тўрақуловни 89 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ёлқин Тўрақулов 1916 йилда деҳқон оиласида туғилди. 1936 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатгач, мазкур институтнинг биокимё кафедраси аспирантурасида таҳсил олди. 1941 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, ўзининг тиббий билим ва тажрибаси билан кўплаб жангчиларни ўлимдан сақлаб қолди.

1944-1957 йиллар мобайнида республикамиздаги бир қатор илм-фан муассасаларида илмий-педагогик фаолият олиб борди. 1959 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач, кўп йиллар давомида Ўлка тиббиёт институти, Ядро физикаси институти, Биокимё институти, Самарқанд давлат университетида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

У 1961-1966 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасида хизмат қилди.

Ёлқин Тўрақулов 1976 йилдан 1997 йилгача Ўлка тиббиёт (ҳозирги Эндокринология) илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилди ва умрининг охирига қадар мазкур институтда илмий маслаҳатчи бўлиб ишлади.

Академик Ёлқин Тўрақулов раҳбарлигида қалқонсимон без гормонларининг биокимёси ва ҳужайралар метоболизми, қатор эндокрин хасталиклари бўйича чуқур ва мукаммал тадқиқотлар олиб борилиб, янги диагностика мезонлари ишлаб чиқилди ва самарали даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилди.

Республикамизда биокимё ва тиббиёт соҳасида илмий мактаб яратган олим ўзининг 60 йилдан зиёд давом этган фаолияти мобайнида кўплаб илмий-педагогик кадрлар тайёрлади.

Унинг биокимё ва тиббиёт фанлари равнақига қўшган ҳиссаси, илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони, Беруний номидаги республика давлат мукофоти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва бошқа қатор орден-медаллар билан мукофотланган эди.

Бутун умрини инсон саломатлигини асрашдек эзгу ишга, Ўзбекистон фанини ривожлантиришга бағишлаган атоқли олим, меҳрибон мураббий, камтарин инсон Ёлқин Тўрақуловнинг хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Р.ҚОСИМОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ, Ф.НАЗИРОВ, Т.СОАТОВ, С.ИСМОИЛОВ

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашида шаҳар ва туман партия ташкилотлари биринчи котиблари, ХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларининг бўлиб ўтган ялпи сайловларда иштироки якунлари, республикамиз Президенти И.Каримовнинг Қонунчилик палатаси ва Сенат қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, парламентдаги ХДП фракциясининг Баёноти муҳокама қилинди.

✧✧✧

ЎзХДП Чирчиқ шаҳар, Галлаорол туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Партия ташкилотларининг ўтган йилги фаолияти якунлари, жорий йилдаги асосий вазифалар, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини амалга оширишдаги иштироки ва бошқа масалалар пленумлар кун тартибига қўйилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

✧✧✧

ЎзХДП Учқўприк туман кенгаши «Милтиқчи», «Қораянтоқ» ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида Президентимизнинг парламент Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида қилган маърузасини ўрганишга бағишланган мулоқотлар ўтказди. Унда ХДП аъзолари, маҳаллалар фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этдилар.

ХДП Денов туман кенгашида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг амалий семинари ҳам шу мавзуга бағишланди. Иштирокчилар Юртбошимизнинг маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда БПТнинг ўрни ҳақида фикрлашиб, бунга оид бир қатор режаларни муҳокама қилдилар.

✧✧✧

Марғилон шаҳридаги 26-мактабда халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган Х.Фозиловнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Депутат фуқароларнинг ҳаёти билан қизиқиб, уларнинг кўплаб таклиф ва истакларини тинглади.

Долзарб мавзу

ИСТЕЪМОЛЧИ, ЭЛЕКТР

Республикамиз Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим коммунал хизмат турларидан бири — электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида рўй бераётган номутаносибликларни тартибга солиш юзасидан ҳам аниқ чоралар белгилаб берди. Табиийки, қарор ижросини таъминлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасида фуқаролар масъулиятини ошириш кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамалар ўтказишни тақозо этади.

Шу муносабат билан, яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, Тошкент вилоят ҳокимлиги бошқармалари, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси, ХДП фаоллари, мутахассислар, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Аҳолини электр қуввати билан таъминлашнинг ижтимоий даражаси сифатини оширишни яхшилаш йўллари» мавзуида «ДАВРА СУҲБАТИ» ўтказилди. Суҳбатни ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов олиб борди. ХДП Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Қодир Одилов «Аҳолини электр ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш муаммолари ҳамда уларни ечиш йўллари» ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, «Тошкент вилоят электр тармоқлари» акциядорлик жамияти раиси Мирвосид Комилов, «Ўзбекхиммаш» корхонаси оператори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Татьяна Коваль, ХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмонов, республика Ногиронлар жамияти вакиласи Галина Шпирко ва бошқалар сўзга чиқиб, Президент қароридаги энг муҳим жиҳатлар, унинг аҳоли манфаатларини ҳимояловчи моддалари ҳақида батафсил сўз юритдилар.

Айтиш жоизки, ХДПнинг бўлиб ўтган сайловлар олдидан қабул қилган Платформаси ҳамда депутатликка сайланганларнинг кўпчилиги дастурларида ҳам бу масала алоҳида қайд қилинганди. Президентимиз қарори эса бу борада партиямиз олиб бораётган ишларга янада жўшқинлик бахш этди.

Қуйида баҳс, мунозара ва ўзаро савол-жавоблар тарзида ўтган «Давра суҳбати» иштирокчиларининг фикрлари билан танишасиз.



Қодир ОДИЛОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Президентимиз қарорида электр ва иссиқлик энергияси нархларининг асоссиз ўсиб боришини ва истеъмолчиларнинг улардан тўғри фойдаланишларини таҳлил қилиб бериш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида комиссия тузилсин, деб алоҳида айтиб ўтилган. Кўриниб турибдики, масала ўта муҳим.

Биласиз, электр қуввати ишлаб чиқарувчи мавжуд манбалар — гидро ва иссиқлик электростанциялари осонликча вужудга келмаган. ТашГРЭС, Сирдарё ГРЭС, Ангрен ва Янги-Ангрен ГРЭСлари, ТашТЭЦ, Чорвоқ ГЭС, Фарҳод ГЭС ва бошқалар. Минглаб километр масофаларга чўзилган 500 минг, 220 минг, 110 минг, 35 минг, 6 ва 10 минг ҳамда паст кучланишдаги 400 вольтли электр линияларини бир тасаввур қилиб кўринг... Уларни бошқариш учун қанчадан-қанча малакали кадрлар ишлаб турибди. **Ҳаммасининг мақсади — аҳолини коммунал хизматнинг муҳим турларидан бири — электр қуввати билан сифатли таъминлаш.**

Бироқ, шуни айтиш керакки, электр энергиясини ишлаб чиқаришдан бошлаб истеъмолчига етиб боргунча кўплаб электр қуввати исроф бўляпти. Шу боиски, ундан самарали фойдаланиш учун коммунал хизмат таралаётган сувнинг буғланиши оқибатида кўл сувининг шўрланиши даражасини янада ошириб, яқин йилларда унинг ҳар бир литр сувидаги туз миқдори 20 граммга етиб боришини таъминлаши мумкин. Бу ҳам экологик танглик сари одим...

Учинчидан, тангликни бартараф этишга кўллар тизимини фақат оқувчан ҳолатга ўтказиш орқалигина эришиш мумкин. Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимининг оқувчанлик режимига ўтказилиши — Зарафшон ҳавзасида маълум даражада сув хўжалиги тадбирлари олиб боришни ва Қизилқумда ҳам шу каби муаммолар билан боғлиқ экологик муаммоларни тезроқ ҳал этишни тақозо этади. Бу борада ҳам ҳозир қатор илмий фикрлар бор.

Тўртинчидан, Ҳайдар-Арнасой кўллар тизимини оқувчан режимга айлантиришга сарф этилиши мумкин бўлган сарф-харажатлар бирламчи хомчўтларга кўра, Арнасой ва Резаксой сув омборлари сарф-харажатларидан кам ва ундан олиниши мумкин бўлган самара эса нисбатан бир неча баробар кўп. Бу тадбирни амалга ошириш — Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатлари учун манфаат келтиришини назарда тутиб, уларнинг маблағларини ҳам жалб этиш керак бўлади. Агар Ҳайдар-Арнасой кўллари тизимида мавжуд танглик тўла бартараф этилса, Тўхтағул ва Қайроққум сув омборлари энергетика қувватларини режали ишлатиш имкони яратилади. Қозоғистон учун-ку, сув тошқини муаммолари батамом ечилади.

Бешинчидан, Ҳайдар-Арнасой кўллари тизимида оқувчанликни шакллантиришни сув хўжалиги ташкилотларидаги ҳозирги мавжуд тартибсиз (охирги йилларда илмий асосланмаган усуллар билан) амалга ошириб бўлмайди. Чунки, кўлда шаклланаётган гидрологик ва гидрокимёвий жараёнлар ўта мураккаб. Уларни ҳисобга олмаслик яна бир экологик инқирозни вужудга келтириши муқаррардек бўлиб қолаяпти.

Олтинчидан, дунё тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг сув объектларига таъсири шунчалик катта кўламга етдики, бундан кейин етарли даражада асосланмаган ҳар қандай тадбир вақти келиб, жуда катта талафотлар келтириши мумкин.

Мухтасар айтганда, хулоса шуки, бундан кейин амалга ошириладиган ҳар қандай тадбир чуқур илмий асосланган бўлиши шарт. Бунинг учун ҳозир Ўзбекистон сув хўжалигида ҳар қандай тадбирни илмий асослаб бера оладиган илмий салоҳият етарли.

Суҳбатдош: Замон АЛИ

ларда тайёрланиб, коммунал иншоотларга юборилганда қувурларда 40 фоизгача иссиқлик йўқолиб кетаяпти. Ҳолбуки, йўқолиб кетаётган ана шу фойдасиз қувват истеъмолчиларга етказиб берилаётган энергия таннархига қўшилаяпти. Демак, ҳар бир истеъмолчи шу йўқотиш учун ҳам ҳақ тўламоқда.

Иссиқлик энергиясини тежаш ва ҳар бир бино ёки ҳар бир хонадонни етарли иситиши учун янги техника ва технологиялар керак, йўқса қийинчиликлар давом этаверади. Муаммони ҳал этиш учун, назаримда, халқаро ташкилотларнинг молиявий ханизмлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи катта. Оддий бир мисол: корхоналарнинг цехларида ҳам энергия сарфини ҳисоблаб борувчи счётчиклар ўрнатилса, ҳосил қилинган маҳсулот таннархи тўғри аниқланиши турган гап. Чунки, узатилган ҳар қандай миқдордаги энергия маҳсулот таннархига киритилади, ахир.

Булардан ташқари, цехлар ва бўлимларни таъмирлаш — механик ускуналар, сув иситиш қозонлари ва автомобиль саройлари ҳамда бошқа қурилмаларга ҳам алоҳида счётчиклар ўрнатилиши даркор. Негаки, (эслатиб ўтиш жоиз!) ҳар хил турдаги мулкчилик корхоналари ва истеъмолчиларга тортилган электр тармоқлари аҳволи жойларда қониқарсиз бўлганлиги учун ҳам электр қуввати исроф бўлаяпти. Натижада, трансформаторлар ишдан чиқмоқда, икки-уч фазали нагрузка (юкланиш)лар тармоқларни «авария» ҳолатига келтирмоқда, энергия таннархини кўтариб юбориб, нархларнинг асоссиз ошиб боришига имкон туғдирмоқда.

Кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иссиқлик энергияси марказлашган қозон-маблағларини жалб этиш зарур. Такрор айтаман, бунинг учун янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тезлаштириш пайти келди...

Залдан савол: Электр энергияси ҳақи ошишининг олдини олиш бўйича қандай таклифларингиз бор?

Жавоб: Бу масалани бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Мураккаб, кўп вақт талаб қилади. Энг аввало, барча линиялар ва электр станциялари ҳаражатларини ҳисоблаб чиқиш керак. Чунки 10 фоизгача энергияни электр станцияларининг ўзлари сарф қилишаяпти. Уларнинг баъзи раҳбарлари ҳам ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, текинга фойдаланмоқдалар. Бу ҳолни йўқ қилиш керак...

Мирвосид КОМИЛОВ, «Тошкент вилоят электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти раиси:

— Бугунги масалани **жуда катта муаммога** айлантириб юбордик. Уни **муаммо,** демаса ҳам бўлади.

Чунки, ҳаммаси ўзимиз бажарадиган ишлар. Корхонамизнинг асосий вазифаси — аҳолини сифатли, узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш. Кейинги икки-уч йилни оладиган бўлсак, шу вазифамизни бироз четлаб ўтишга тўғри келди. Чунки, сотилган электр энергияси ҳақини йиғиб олиш муаммога айланди. Ўзингиз ўйланг, ҳаракатдаги энергия ишлаб чиқарувчи машиналар, қозонлар ва бошқа жиҳозларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, лозим бўлса, янгисини сотиб олиш керак. Буларнинг барчасини сотилган электр энергияси ҳисобидан қоплаймиз. Бир йилда вилоятимиз истеъмол қиладиган электр энергияси 6,3-6,5 миллиард киловатт соатни ташкил этади. Унинг пули эса 160-180 миллиард сўмга тенг. Афсуски, ҳаммасини йиғиб ололмаяпмиз...

Мустақил бўлганимиздан буён фақат 2004 йилдагина режани бажардик. Ундан олдин 80-85 фоизда қолиб кетардик. Дебиторлик қарзларимиз йил сайин ўсиб бормоқда. «Ўзбекэнерго» ДАК миқёсида ҳам муддати ўтган қарзлар кўп...

Тўлов муддатини ўтказиб юборган, қарздор юридик ва жисмоний шахсларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши учун шахсан жавобгарлик «Ўзбекэнерго» ДАК ва ҳудудий электр энергияси корхоналари раҳбарлари зиммасига юклатилиши керак. 30 кундан ортиқ қарздорлиги бўлган истеъмолчилар энергия шахобчаларидан узиб қўйилиши ва раҳбарлари иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима тўлаши, ушбу ҳолат такрорланганда эса улар эгаллаб турган лавозимидан ҳам озод этилиши борасида (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда) маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилиши таъсирчан иш бўларди.

Амалий ёрдам бериш вақти келди

Лондонда 23 мамлакатнинг юқори мартабали вакиллари иштирокида Яқин Шарқ масаласи бўйича конференция ўтказилди. Унда Фаластинга амалий ёрдам кўрсатишга келишиб олинди.

Буюк Британия пойтахтида эришилган келишувлар Фаластин мухториятининг давлат тизими, хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши каби масалаларни ўз ичига олган.

Мухторият етакчиси Маҳмуд Аббос ислоҳотлар тарафдори ва тартибсизликларга барҳам бериш ниятида эканлигини билдирди. Шунингдек, у Исроил билан яқин ҳамкорликка тайёр эканлигини ҳам айтиб ўтди.

Учрашув қатнашчилари орасида АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс, БМТ бош котиби Кофи Аннан ҳамда Буюк Британия бош вазири Тони Блэр бор эди. Исроил тадбирга вакил жўнатмаган бўлса-да, унинг натижаларини диққат билан кузатишини билдирди.

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Европа Иттифоқи Фаластин мухториятида янги сиёсий институтлар ташкил қилишини, АҚШ хавфсизлик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузишини, Жаҳон банки эса минтақанинг иқтисодий ривожланиши масалалари билан шуғулланишини маълум қилди.

Қўшимча текширувларга асос йўқ

МАГАТЭ вакилларининг маълум қилишича, Эрон Парчиндаги ядро объектига текширув сафари уюштирмоқчи бўлган МАГАТЭ инспекторларига рад жавобини берди.

Бундан олдин Эрон Парчиндаги объектнинг бир неча қисмини текширишга рухсат берганди. Текшириш ўтказилаётганда МАГАТЭ инспекторлари Эрон ҳукуматига объектнинг бошқа қисмларини текшириб кўриш тўғрисида мурожаат қилди. Бироқ Эрон «қўшимча текширувлар учун асос йўқлиги»ни айтиб, мурожаатни рад этди.

Расмий Вашингтоннинг фикрича, Парчинда Эрон ҳарбий ядро дастури доирасида тадқиқотлар ўтказилиши мумкин. Теҳрон эса МАГАТЭнинг Венадаги йиғилишида ўзининг уранни бойитиш борасидаги тадқиқотларга доир ҳуқуқини эслатиб қўйди.

ТЕРРОРЧИЛАР БИЛАН МУЗОКАРА ОЛИБ БОРИЛМАЙДИ

Шарҳ

Жаҳон матбуотида баскчиларнинг экстремистик гуруҳи — ЭТА ҳақида кўп ёзилади. ЭТА — бу асосан Испания ва қисман Франция ҳудудида фаолият кўрсатаётган террористик гуруҳнинг номи. Улар Испаниядан ажраб чиқиб, алоҳида Басклар давлати қуришни мақсад қилиб олганлар. Гуруҳ етакчилари бу мақсадга эришиш йўлида террорни асосий қуролга айлантиришган. Шунинг учун ҳам ЭТА террористик ташкилот ҳисобланади.

ЭТА Испания ҳудудида ўттиз йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Ана шу даврда ЭТА жангарилари юзлаб қўпорувчилик ишларини амалга оширди. Натижада минглаб одамлар жабрланди ва мамлакат иқтисодига қарийб саккиз миллиард евро миқдорида зарар етказилди. Испания Ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, ўтган даврда жами 7537 киши ЭТА билан алоқадорликда айбланиб, қамоққа олинди. Худди шундай ҳолат Франциянинг Испания билан чегарадош ҳудудларида ҳам кузатилмоқда. Чунки, айирмачи баскчилар орзу қилаётган мустақил давлат қисман Франция ҳудудига ҳам дахлдор.

Кейинги йилларда Испанияда ҳам, Францияда ҳам айирмачиларнинг террористик ҳуружларига қарши режали равишда изчил кураш олиб бориляпти. Оқибатда террористик гуруҳ кучсизланиб, унинг фаолияти сусайиб боряпти. Сўнгги бир йилнинг ўзида ЭТАга алоқадор 130 киши қамоққа олинди. Шунга қарамасдан ҳукуматга қарши хатти-ҳаракатлар, террористик ҳуружлар давом этиб турибди. Жумладан, ўтган йилнинг сентябрь ойидан шу пайтгача гуруҳ томонидан йигирматадан ортиқ қўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилган.

Маълумки, ўтган йили Испаниянинг олдинги ҳукумати сайловда ютқазиши ва истеъфога чиқишига мажбур қилган ҳолат — кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террористик хуруж учун дастлаб ЭТАга тамға босилган эди. Ўшанда олдинги ҳукумат дарҳол ҳамма айбни ЭТАга тўнкади. Бироқ кейинчалик бу айблов ўз тасдиғини топмади. Санамай саккиз дейиш ҳукуматга қимматга тушди. Бунинг устига мамлакат аҳолисининг асосий қисми Ироққа қўшин юборилганлигини маъқулламади. Шунинг учун ҳам парламент сайловларидан кейин Испанияда ҳукумат алмашди. Бош вазир Хосе Родригес Сапатеро бошлиқ янги ҳукумат ўтган йили мамлакатда юз берган фожиада ЭТАнинг қўли йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

Бироқ бу ЭТАга хайрихоҳлик билдириш дегани эмас. Сапатеро ҳукумати бу террористик гуруҳни оқламоқчи ҳам эмас. Чунки гуруҳ амалга оширган жиноятларни кечириб бўлмайди. Аммо шу йилнинг бошида кутилмаганда ЭТАнинг ўзи ҳукумат билан мулоқотга киришишга тайёр эканлигини баён қилди. Мулоқотдан кўзланган мақсад Испания таркибида Басклар мамлакатини ташкил этиш тўғрисида референдум ўтказиш эди. Бу ўттиз йилдан бери террористик гуруҳ томонидан киритилган биринчи жиддий таклиф эди. Бироқ бош вазир Сапатеро бу таклифни жиддий деб ҳисобламаслигини ва ЭТА томонидан террористик ҳуружлар тўхтатилмас экан мулоқот ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Мудофаа вазири Хосе Боно эса бу хусусда баёнот бериб, қўлида қурол ушлаган одамлар билан ҳеч ким мулоқот олиб бормайди, деди. Умуман ҳукумат ЭТАдан терроризмдан воз кечиб, қуроллароғларни топширишни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, Испания ҳукуматида ЭТАнинг бундай хатти-ҳаракати иложсизликдан мажбурий ҳолат деб баҳоланмоқда. Чунки бу гуруҳнинг сиёсий қаноти — «Батасуна» партияси сиёсий партиялар тўғрисидаги янги қонунга кўра, фаолиятини тўхтатиш жараёнига келиб қолди. Ҳукумат билан мулоқотга киришишга эришиш партияни ҳалокатдан сақлаб қолиш йўлидаги уринишдир. ЭТАнинг ташвишга тушиб қолишига яна бир сабаб шуки, Испания ва Франциянинг махсус хизматлари бу террористик гуруҳга қарши ўз фаолиятларини муваффақиятли равишда кучайтириб юборадилар.

Яқинда, яъни шу йилнинг февраль ойи бошида Мадридда яна портлаш юз берди. Автомобилга ўрнатилган бомба портлаб кетди. Қарийб 42 киши жароҳатланди. Шубҳасиз, бу ЭТАнинг иши деб тахмин қилинди. Бошқа бир тахминларга кўра, ЭТА номидан иш кўраётган қандайдир террористик гуруҳнинг ҳуружи ҳам бўлиши мумкин. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида бу борада турли фикрлар айтилмоқда. Баъзиларида бу 2012 йилда Олимпия ўйинлари Мадридда ўтказилишини истамаётган кучларнинг иши бўлиши мумкин, деган тахминлар ҳам билдирилмоқда. Барибир ЭТАга нисбатан гумон кучли. Бундай гумон ва қўрқув Испаниянинг хушманзара жойларини кўриш ҳамда кўплаб оромгоҳларида дам олиш истагида бўлган хорижлик сайёҳларда ҳам пайдо бўлмоқда. Бу нарса мамлакат иқтисодига зарар етказмоқда. Ўтган йилнинг 11 март куни Мадрид вокзалида амалга оширилган террористик ҳуружни ҳалигача нафақат испанияликлар, балки хорижликлар ҳам унутишгани йўқ.

ЭТА қолдирган қонли доғлар ҳали-бери ювилмайди. Содир этилган жиноятлар жазо билан ювилади. Афтидан, шунинг учун ҳам ҳукумат террористик гуруҳ билан мулоқотга киришишни лозим топмади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Газеталар хабарига кўра...

Сянганнинг маҳаллий газеталари ҳукумат бошлиғи Тун Чихуа соғлиги ёмонлашгани сабабли ўз лавозимини топширимоқчи эканлиги ҳақидаги хабарни тарқатди. Лекин Хитойнинг бу музофоти маъмурияти хабарни тасдиқлагани йўқ.

Тун мамлакатни 1997 йилда Пекин юрисдикциясига ўтказилганидан бери бошқариб келади. У ҳукуматни 2007 йилгача бошқариши керак. Бироқ журналистларнинг маълум қилишича, унинг лавозимини ўринбосари Дональд Цан эгаллайди.

Ҳарбийлар уйга қайтади

Украинанинг миллий хавфсизлик ва мудофаа бўйича кенгаши Ироқдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетиши ҳақида қарор қабул қилди.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Борис Тарасюкнинг хабар беришича, Украина Ироқдаги ҳарбий жараёнда эмас, балки қайта тиклаш ишларида иштирок этади.

Украина мудофаа вазири Анатолий Гриценко ҳарбийларни Ироқдан чиқариш 15 мартдан бошланишини маълум қилди.

Судья ўлдирилди

Бағдодда Ироқдаги собиқ тузумнинг олий тоифали шахслари, шу жумладан Саддам Ҳусайн устидан суд жараёнини олиб бориш учун махсус тузилган трибунал судьяси ўлдирилди.

NBC телекомпанияси тарқатган маълумотга кўра, Саддам Ҳусайннинг 5 нафар энг яқин одами трибунал олдида жавоб бериши маълум бўлганидан сўнг судья ўлдириб кетилган.

Дастлаб трибунал раиси 35 ёшли Раид Юхи ал-Саади отиб ташланганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалди. Бироқ америкаликлар бу маълумотларни инкор этиб, бошқа судья ўлдирилганини айтишмоқда. Айни пайтгача ўлдирилган шахснинг исми билдирилгани йўқ.

Янги технология



Стэнфорд университети жарроҳи Чарльз Тейлор шифокорларга ҳавфли операцияларни компьютерда ўтказиш имкониятини берувчи технологияни ишлаб чиқди. Бу технология операция одам организмига қандай таъсир қилишини аниқлаб беради. Энди жарроҳлар операцияни аввал компьютерда, кейин эса одамда ўтказади.

Мутахассисларнинг фикрича, янги технология кўплаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Чунки айнан организмнинг операцияга нисбатан кутилмаган реакцияси натижасида кўплаб касаллар ҳаётдан кўз юмади.

Янги технология етакчи касалхоналарда тасдиқланадиган бўлса, жарроҳлик ҳақидаги тушунчалар тубдан ўзгаради. Бугунга келиб жарроҳлар операцияни бошлашдан аввал дастлабки ташхис кўрсаткичларига асосланган ҳолда одам организмида нима бўлаётганини аниқлашади ва қандай ҳаракат қилишни келишиб олишади.

Айни шу жараёнда одам организми кутилмаган реакция кўрсатса, операция тартибини шу жойнинг ўзида ўзгартириш лозим бўлади. Бу эса жуда ҳам хавфли. Янги тадқиқот операция оқибатларни олдиндан ҳисоблаб чиқишга имкон беради.

Хуршид РАУПОВ
тайёрлади

ТАЪМИНОТИ, ТАРИФ ВА...

ёхуд аҳолини электр қуввати билан таъминлаш даражаси қандай? Уни яхшилаш ва коммунал хизмат тарифларининг тинимсиз ошиб кетишига йўл қўймаслик омиллари борми? Истеъмолчининг тўлов қобилияти етарлими? Томонларнинг масъулияти-чи?

Айни шундай сабабларга кўра, бугунгача (сўнгги икки ой ичида) 3 та туманда раҳбар муовинлари ишдан олинди, 2 та тумандаги раҳбар вазифасидан бўшатилди, 10 тасига 50 фоиз жарима қўлланди.

Яқинда Бўка туманида текшириш ўтказдик. Қайсики, тўлов қобилияти бор ва бошқаларни ҳам энергия ҳақи тўловини вақтида тўлашга даъват қиладиган раҳбарларнинг 10 нафари уйларига кирсак (айтишга уяласан, киши) 10 таси ҳам ўғри, 14 тасига кирсак, 14 таси ҳам... Ҳисоб счётчиклари ишламайди. Пломбалари йўқ. Ҳар бири қўшимча алоҳида фазалар тушириб олиб, электр печларини ишлатиб ётибди. Бўка, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон туманларида ҳам аҳвол шу. Бугунги кунда аҳоли қарздорлиги 3 миллиард 258 миллион сўмга етди. Тўлов эса кам. Қарздорлик ўсиб кетаяпти. Вилоят бўйича умумий қарздорлик 23 миллиард 348 миллион сўмни ташкил этиб турибди...

Мухбир саволи: Таҳририятимизга келиб тушаётган шикоятлар бор: баъзи жойларда аҳолига бир кеча-кундузда 5-6 соатлаб электр энергияси берилмаяпти экан. Бундай чекловларнинг сабаби нимада?

Жавоб: Сабабини айтиб ўтдим, ўғирлик бор... Совуқ тушмасдан олдин биз 17-17,5 миллион киловатт соат электр энергияси олардик. Совуқ кунлари эса бу миқдор 24-24,5 миллион киловатт-соатга чиқиб кетди. Агар чекланиб турилмаса, 26-28 млн. киловатт-соатга чиқиши ҳеч гапмас, пулини йиғиб олишга келганда, тескариси...

Қолаверса, ҳар соҳада бўлгани каби бизда ҳам **лимит** деган нарса бор. У туманларга бўлиб берилган. Қайси туманда ўғирлик бўлмаса, у ерда чироқ ўчмайди.

Залдан савол: Хўш, «ўғри»лар маълум экан, уларга нисбатан қандай чоралар кўрилаяпти?

Жавоб: катта жарима солинади. «Недойимка» (камомад!) ундирилади. Чироғи тармоқдан узиб қўйилади. Лекин ҳаммасига улгуриб бўлмайди. Шу боис ҳар бир хонадон билан шартнома тузганмиз...

Савол: Ҳар бир жисмоний шахс билан алоҳида-алоҳида шартномалар имзоланган бўлса, хонадонлар учун алоҳида лимитлар белгиланса ва лимитдан ортиқ электр энергияси ишлатган одамларгина ортиқча ҳақ тўласа, бўлмайдими? Ҳар ҳолда ўчириб қўйгандан кўра бу яхши эмасми?

Залдан овозлар: «Биз шартномани ҳали ҳеч кўрмаганмиз...». «Мен ҳам», «Биз ҳам...».

Жавоб берувчи: Нима, бу ерда ўтирганларнинг ҳеч бири билан шартнома тузилмаганми?

Залдан овоз: Йўқ!

Муаллифлардан: Шартнома ҳақида сўз очган жамият раиси ҳижолатда қолди. Дарвоқе, раис айтган шартнома агар амалиётда бўлганда эди... Наҳотки катта бир йиғилишда (вилоят бўйича) қатнашаётган фуқаролар хонадонларининг бирортасида бундай шартнома бўлмаса?

Татьяна КОВАЛЬ, «Ўзбекхиммаш» АЖ корхонаси оператори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Партиямизнинг Сайловолди Платформасида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, яъни ишлаб чиқарувчилар томонидан монополия қилинишига, одамларнинг тўлов қобилияти ҳисобга олинмасдан уй-жой — коммунал хўжалик ва транспорт хизмати доирасидаги тарифларнинг асоссиз оширилишига қарши жамоатчилик назоратини таъминлашга алоҳида эътибор бергани ибратга молик. Айни шу позицияси учун ҳам у ижтимоий-сиёсий ҳаётда сўл қанот партияга айланди. Бу — бизга, унинг аъзоларига ғурур билан бирга катта масъулият ҳам тўловларни вақтида тўлаб қўйиб, коммунал хизмат ходимларининг «жарима тўла», «судга бераман», «электр энергиянгни узиб қўяман», «газ қувурларингни кесиб ташлайман» деган дўқ-пўписаларидан узоқроқ бўлишни жуда-жуда исташади.

Мисол келтираман, 2001 йилнинг 1 январидан аҳоли учун 1 квт/соат электр энергиясига 4 сўм 70 тийин тариф белгиланди. 2004 йилнинг декабрида эса бу тариф 27 сўм 10 тийингача (5,8 марта ёки 576 фоиз) кўтарилди. 2001 йилнинг 1 январида иш ҳақининг энг кам даражаси 1750 сўм бўлса, 2005 йилнинг 1 январига 6530 сўм бўлди ёки қарийб 4 бараварга ўсди. Табиий савол: иш ҳақи 3 баравар ошган ҳолда коммунал хизмат ҳақи деярли 6 бараварга «сакрагани»ни ким тушунтириб бера олади? Бу фарқни нимани ҳисобига қопласа бўлади?

Медал(нишон)нинг иккинчи томони ҳам бор: коммунал хизмат, хусусан, электр энергияси тарифлари ўсиб борар экан, тармоқда авария ҳоллари сони ҳам қисқариши ва электр шахобчаларида барқарор энергия таъминоти бўлмоғи керак... Бизда эса аксинча: электр энергияси, газ, иссиқлик ва иссиқ ҳамда совуқ сувдан фойдаланиш харажатлари баҳоси ошган сайин авария, «узиб» қўйиш, «кесиб» ташлаш сингари ҳолатлар тобора кўпайиб бораяпти. 72-90 хонадонли кўп қаватли уйларда электр энергияси ва сув 3-4 кунлаб, баъзан ҳафталаб, иссиқлик эса йиллаб бўлмаган ҳоллар кузатилаяпти...

Яна бир мулоҳаза: ҳаммамиз яхши биламиз, ер остидан ўтган кўплаб электр кабеллари 30-40 йиллаб алмаштирилмаган. Улар бугун яроқсиз — чириган ҳолга келиб қолган. Зудлик билан янгисига алмаштирилиши керак. Лекин, ҳозирча бу ҳақда назаримда, ҳеч ким ўйлаб кўрмаётир. Нари борса маҳаллий ҳокимият органлари бу ишни ҳудуддаги ширкат хўжаликлари зиммасига юклаб қўймоқда. Ҳолбуки, ер остида ўнлаб ва юзлаб километр масофаларга чўзилган чирик кабелларни ширкатлар икки дунёда ҳам алмаштиришга қодир эмас. Айниқса, вилоятимизнинг Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Ангрен сингари яна бир қатор шаҳарларидаги аҳвол шу даражага етган экан, буни Давлат дастурисиз ўнглаб бўлмайди...

Галина ШПИРКО, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вакиласи:

— Ногиронлар соғлигини тиклаш ва интеграллаш масаласи мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида муҳим ўрин туради. Шу боисдан ҳам республикамиз ҳукумати томонидан ҳар йили махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Чунончи: ногиронлар соғлигини тиклаш дастури, қариялар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга манзилли ёрдам кўрсатишни кучайтириш дастури, «Меҳр ва мурувват йили» дастури ҳамда бу йил эълон қилинган «Сиҳат-саломатлик йили» дастури...

Бироқ, очиғини айтиш керак, мавжуд муаммолар ҳамон муҳимлигича, кескинлигича қолмоқда. Япония Халқаро Агентлиги (JICA) ваколатхонаси ва Тошкентдаги «Таҳлил» ижтимоий тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, биргина пенсия, нафақа пуллари билан коммунал хизмат ва уй-жой тўловлари ҳамда телефон, транспорт харажатлари ўртасидаги миқдорий нисбатларни олиб кўринг: ногиронлар оиласида (ўртача жон бошига) **даромад** 1 кишига 12175 сўмни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, айни кўрсаткич **харажати** эса 16 200 сўмга етмоқда. Ёки ўрталаштирилган пенсия миқдори 16000 сўм, ўртача нафақа миқдори 10.765 сўм... Энди қиёслаб кўринг: иқтисодиётимизнинг мавжуд секторларида ўртача иш ҳақи — 30 000 сўм, уй-жой ва коммунал хизмат турлари тўловларига бўлган харажат — 7000 сўм билан 12 000 сўм ўртасида «липиллаб» турибди. Агар бу сўмларга телефон ва транспорт харажатларини ҳам қўшадиган бўлсак, пенсия пули миқдоридан бир неча баробар ошиб кетиши турган гап. Боз устига, тиббий хизмат, кийим-кечак ва пойафзал харажатлари-чи?

Тўловларни вақтида тўлай олмаганлиги учун коммунал хизмат ходимлари билан ногиронлар яшаётган уйлардаги оилалар ўртасида туғилаётган турли хил келишмовчиликлар сабабини энди тушунгандирсиз. Ва яна афсусли жойи — коммунал тўловларни мажбурий йўл билан тўлатиш мақсадида суд органлари ногиронлар пенсиясининг 40 фоизгачасини «музлатиб» қўйиб «жазо»ламоқдалар.

Дилором САЛИМОВА, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини вакиласи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

Мен ҳам юқоридаги фикрларга қўшилга ҳолда электр таъминоти корхоналари рахбарлари эътиборини электр қуввати нархларининг узлуксиз, аҳолининг тўлов қобилиятига қарамай ошириб борилаётганига тортмоқчи эдим. Менимча, шу тизимда ишлаётган ходиларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш лозим.

Собиржон УСМОНОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби:

— Коммунал хизмат — ҳаётий эҳтиёж. Шунинг учун ҳам бу масала кун тартибида турибди. Биласиз, ХДП бошқа партияларга нисбатан муқобил куч сифатида сўл йўналишда ҳаракат қилади. Аҳолини безовта қилаётган масалалар ечимини излайди. Улардан бири — электр энергияси таъминотидаги муаммолар. Масалан, кейинги вақтларда электр энергиясининг нархи бир неча бор ўсди. Лекин нима учун шундай бўлганлигини аҳоли билмайди. Шунинг учун Президентимизнинг коммунал хизматлар ҳақи асоссиз ўсиб кетишининг олдини олиш тўғрисидаги қарорини халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Тарифлар нега ўсиб бораётганлигини эса жойларда уларга ҳеч ким тушунтирмайди. Бу нотўғри. Агар барча жараёнлар ётиғи билан тушунтирилса, менимча, ҳамма ҳам электр энергияси ҳақини вақтида тўласа керак. Шунинг учун ҳамки, қарорда **«ҳар чорак харажатлар таҳлил қилинсин»** деб жуда тўғри айтилган. Ўша таҳлил халққа етказилиши керак. Одамлар билсин...

Оддий истеъмолчи сифатида менинг ҳам уйимда электр энергиясини ҳисобловчи счётчик бор. Бироқ, шаҳарда турсам ҳам ҳеч ким мен билан шартнома қилмаган. Мана, ҳозир лимитдан ошиб кетганлиги учун энергия манбаидан ўзиб қўйилаяпти, ўчирилаяпти, деяпмиз. Одамлар «бу қанақаси, лимит нима ўзи?» — деб тушунмаяпти. Агар мен меъёридан ошиқ ишлатсам-у ортиқча 10 баробар ҳақ тўлайдиган бўлсам, бошқа ошиқча энергия ишлатмаган бўлардим. Шунинг учун соҳада агар шартнома йўли тутилса у орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам бирмунча осонлашарди...

●●●

Баҳсли, мунозарали давом этган «давра суҳбати»да ХДП Марказий Кенгаши котиби Михаил Ельшов, Пискентдаги 42-мактаб директори Машкура Райимжонова, Чирчиқ шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Дониёр Азизхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алиқул Ўринбоев, Ангрен шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Бахтиёр Йўлдошев ва бошқалар ҳам республикада энг кўп электр энергияси ишлаб чиқарадиган ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб берадиган Тошкент вилояти эканлигини қайд этиб, соҳада халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда зарур ўзгаришлар ясаш мавриди келганлигини, бунда Президент Қарори муҳим дастуриламал бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Бугунги кўпдан-кўп саволжавоблар, фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, — деди мунозаралар сўнггида ***ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов,*** *— шубҳасиз, Президентимиз қўйган вазифаларга ҳамоҳанг бўлди. Қарорда* ***«Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: уй-жой коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий бошқариш аввало қонун ҳужжатлари билан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва уларни кескин камайтириш ҳамда тартибга келтириш чораларини кўрсин»*** *— деб таъкидлаб ўтилган.*

Демак, икки ой ичида бундай баҳслар ва мунозаралар ҳали кўп бўлади. Табиийки, таклифлар ҳам... ХДП мазкур қарордан келиб чиқувчи амалий ва ҳаётий таклифларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилиши лозим бўлган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни тегишли маҳкамалар, вазирликлар ва идораларга тавсия этишни мамлакатда мавжуд сиёсий ҳаётнинг сўл қаноти сифатида ўз зиммасига олади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбирлари

Спорт

РУСТАМНИНГ ТОПҚИРЛИГИГА КАСПАРОВ ҲАМ ТАН БЕРДИ

Линаресда ўтаётган нуфузли шоҳмот мусобақасининг биринчи давра ўйинлари якунланди. Унда иштирок этаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов кескин курашларда кечган олтита ўйинини ҳам дуранг билан якунлади.

Бундай нуфузли мусобақада илк бор қатнашаётган Рустам учун кураш йўсинини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Айнан шу жиҳатдан Рустам ўзини камолга етган шоҳмотчи сифатида намоён этди. У ҳеч бир учрашувда ёшлик ғайратига берилиб кетиб, рақибларига кўр-кўрона ташланмади. Аксинча, рақибларининг режаларини топқирлик билан чиппакка чиқарди. Айниқса, Каспаров, Ананд ва Лекога қарши қора доналарда ўйнаган бўлишига қарамай қийин вазиятларда ажойиб юришларни топиб, дурангга эришди. Леко билан ўйинида 75 юриш давомида Рустам ҳар сафар тўғри жавоб юришини топди. Шу ўйинни қўзатган Каспаров ҳам Рустамнинг топқирлигига тан берди.

Энди мусобақа натижалари билан танишинг: 6-тур. Ананд — Каспаров — 0,5:0,5; Топалов — Валехо — 1:0; Леко — Қосимжонов — 0,5:0,5. Олти тур ўйинларидан кейин қатнашчилар тўплаган очколарига кўра, қуйидаги тартибда жойлашишди: Каспаров — 3,5; Қосимжонов, Ананд ва Топалов — 3 тадан; Леко — 2,5; Адамс — 2; Валехо — 1 очко.

Биринчи давра ўйинларида Рустам кўзлаган ниятига етди: учрашувларда рақибларининг ҳужумларини бартараф этди ва нуфузли мусобақанинг «об-ҳаво»сига кўникди. Энди у иккинчи даврада ҳам ўз ўйин йўсинини ўзгартирмаган ҳолда сабр билан омадли лаҳзани кутишга ҳаракат қилади. Ишончимиз комил, омадли лаҳзалар иқтидорли гроссмейстеримизни узоқ куттирмайди. Бугун Рустам испаниялик Валехога қарши дона сурса, эртага оқ доналар билан Каспаровга қарши ўйнайди.

Биз Рустамга нуфузли мусобақадаги бўлажак ўйинларида муваффақият тилаймиз.

Асрор МЎМИН

ЖАМОА САРДОРИДА АЙБ ЙЎҚ

«Манчестер Юнайтед» футбол клубининг сардори Рой Кинга қўйилган айб бекор қилинди. Гап шундаки, футболчи 16 ёшли йигитчани калтаклаб, жамоат тартибини бузган эмиш. «Афтидан йигитча моҳир футболчининг жиғига тегиб, ҳузур қилмоқчи бўлганга ўхшайди», деб таъкидлайди суд вакили. Ваҳоланки, полиция бу ўсмирга суд бўлмагунча ОАВ вакиллари билан суҳбатлашишни ман этган эди. Болакай эса қоидани бузиб, кейин судда ёлғон гапиришга мажбур бўлган. Биринчи марта бу воқеа футболчининг уйи олдида йигитча ўз мопедини тариллатган пайтда юз берганди. Ушанда жамоа сардори уни тартибга чақирган эди. Ўсмир эса: «у мени бўйнимдан олиб, калтаклади» дея даъво қилган. Ҳар қалай футбол клуби вакиллари, футболчининг ўзи ҳам одилона ҳукм чиқарилганидан мамнун бўлишди.

Очиқ гаплар

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ёхуд китоб нашр этиш ва китоб савдоси тизими бўйича мулоҳазалар

Яхши ниятлар билан Сиз азизларга, нашриётчи ва китоб савдоси ходимларига йўллаётган бу хат — шикоят бўлиб шикоят, арзи ҳол бўлиб арзи ҳол эмас. Шунингдек, очиқ хат ҳам, ота ғўри қозихоналик ҳангома ҳам эмас. Шунчаки, кенгаш ёки таклиф тариқасидаги бир гап.

Ўзларингиз мендан кўра яхши биласиз, ижодкор аҳлининг эмин-эркин борадиган, кўнгилларидаги бор гапни тап тортмай айтадиган, остоналарига бош урадиган саноқли даргоҳлари бор. Сиз азизлар бошқараётган ижтимоий-ижодий ташкилотлар — ана шундай даргоҳлардан.

Энди мен ақлли гапларга кўп ҳам урғу беравермасдан, эски одатим бўйича «ўтлаб» кетмасдан, кенгашиб олмоқчи бўлаётган масаладан гап очсам —

Бўйра ўтириб кенгаш
Келишмасанг мен кафил.
Машварат қуриб кенгаш
Тенглашмасанг мен кафил,

деганларидай.

Маълумингизким, кейинги вақтларда ижодкорлар даврасида, расмий ё норасмий йиғинларда, матбуот саҳифаларида китоб ва китобхонлик, нашриёт ва нашр, ҳомий, ижодкорларнинг қалам учи (гонорар), китоб савдоси, ижодкорларни ёллаб китоб ёздириш, чиқаётган китобларнинг фойда-зарари, моҳиятмазмуни ҳақида кўп гап бўлаётир. Матбуотда жўн ва жиддий чиқишлар қилинаётир. Бироқ гап-гаплигича қолаётир. Гўё бу — бугун бўлмаса эртага ҳал бўладиган масала. Лекин қанчалик тез ҳал бўлса, шунчалик яхши-да. Айтиб қўйибдилар-ку, кечикишда завол бор, деб. Энди китоб, китоб савдоси, қалам учи ҳақида мисол келтирай.

1996 йили Ғафур Ғулом номидаги нашриётда «Жаҳоннома» китобим чиқди. Сирдарё вилоят китоб савдоси ҳомийлигида. Адади 15 минг, 14,6 босма табоқ. Бу китобдан олган қалам учини (қанчалигини ҳамкасбларимиз яхши билишади) ўша куниёқ қазноқхона (жамғарма касса)га қўйдим. Ҳозиргача бир бало ақча бўлиб кетган бўлса керак. 2003 йили яна шу ташкилот ҳомийлигида «Шарқ» нашриётматбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан «Сайҳон» номли китобим ёруғлик юзини кўрди. 10 босма табоқ, адади 3000 нусха. Қалам учи ҳақида яна юқоридаги гап.

Ҳар иккала китобнинг роҳатини кўрган ҳам, жабрини тортган ҳам буюртма берган ҳомий — «Облкнижторг» бўлди. Олиб келган ҳам ўзи бўлди. Сотган ҳам ўзи бўлди. Ҳар иккала китоб Тошкентда икки-уч дўконда сотилди. Иккала китоб ҳам вилоятларга тарқатилмади. Жумладан, кутубхоналарга ҳам. Энди қолган гапни болалатиб ўтирмасам ҳам бўлар. Менимча, чиқаётган адабий-бадиий китоблар, уларнинг муаллифлари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Ижодкорларнинг деҳқончилиги шу — оқ қоғозни қоралаш. Қанчадан-қанча уринишлардан, елиб-югуришлардан сўнг чиқарган китобининг роҳатини кўриш. Чиққан китобни тарқатиш, сотиш — бу алоҳида иш. Тўғрироғи, бу тижоратчилик билан шуғулланиш деган гап. Бу иш ҳамма ижодкорларнинг ҳам қўлидан келадими? Ана шу ерга келганда ёзувчи халқининг нафаси ичига тушиб кетади. Бу ҳол сизларга тўлин ойдай равшан. Ҳозир чинакам ёзувчидан кўра, чиллаки ёзувчиларнинг кўпайиб кетгани сизларга аён. Китоб олувчидан китоб ёзувчи кўпайиб кетгани ҳам рост. Кимдир нафақага чиқиб олиб ёзаётир — эснай-эснай. Кимдир «мардикор» ёллаб ёздирраётир. Ижодкорлик билан ижодхорлик бир ўзанга тушиб оқаётир. Анави ижодхорларга:

Баланд учма эй кўнгил
куши монанди анқодек
Баланд учган билан зоғу
зоған оламда боз ўлмас,

дегудай бўлсангиз, улар сизданам баланддан келишади. Бироқ улар «асарлари»ни қандай йўл билан чиқазсалар, шундай йўл билан пулламоқдалар ҳам. Қойил қолиш керак! Уста «тадбиркорлар»! Умид қиламанки, бу борада сизлар мени ёлғончи ё туҳматчига чиқармассизлар. Мени истаганча келтириш мумкин.

Муҳтарам Президентимиз 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузаларида оиламиз ҳақида беҳуда алоҳида тўхталмадилар. Дарвоқе, мағриб ҳам, машриқ ҳам қадим-қадимлардан оилаларимиздан андоза олиб келганлар. Энди эса биз айрим хорижликлардан нусха кўчирмоқдамиз. Иқтидо қилмоқдамиз. Бунга сабаб — чет элдан тинимсиз оқиб келаётган соллар келтиринг, дерсизлар. Ўнлаб-юзлаб мисоллар келтиришим мумкин.

Айтгандай, китоби чиққан ёзувчи уни ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз кўздан кечириб, китобини чиқазган нашриёт ходимларидан миннатдор бўлиш ўрнига — ҳомийга таъзим-тавозеъ қилиб, қош-қовоғига қараб туриши одатга ҳам, одобга ҳам тўғри келмагандай. Китобнинг тақдири ҳомийнинг қўлида. Китоб муаллифи эса ҳомийга «раҳбарлик» қила олмайди. Кўрсатма беролмайди.

Халқимиз орасида китоб билан нон азал-азалдан муқаддас саналиб келинган. Бизда бешиқдаги боланинг бошига китоб қўйиб қўйиш, китоб билан қасам ичиш, жангга ё сафарга отланаётган йигитларга «уйдан ризқинг узилмасин», деган мазмунда нон тишлатиш одатлари бор. Грузинларда келиннинг сепидан «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» китоби чиқмаса айб саналар экан. Ҳатто қадимда қоғоз-китоб ортилган кўлик устига ўтириш гуноҳ ҳисобланган. Китоб билан нонга тегишли бундай ирим-одатлариаллар, маданий «оғу»лар. Ёшларимиз китобхонликдан бир қадар йироқлашиб кетишларининг сабаби шунга бориб тақалади.

Ўзга элнинг умароси бўлгунча
Ўз элингнинг фуқароси бўл.
Бегона юртнинг шуароси
бўлгунча
Ўз юртингнинг парвонаси бўл.

деб бекорга айтмаганлар. Шундай экан, китоб билан китобнинг фарқи ҳақида гапирганда, китоблар бор ўрни китоб жавонларида; ўз эгаларининг қўлларида; китоблар бор муқим ўрни носфурушлар ёнида; китоблар бор ҳатто кутубхоналардан топиб бўлмайди, деган ибораларни қўллагим келади.

Айтгандай, ҳозир туман хўжаликлари, турли муассаса ва ташкилотларга қарашли кутубхоналарнинг деярли «соясси» қолган. Бу ачинарли ҳол, албатта. Чунки у — ҳам китоб савдоси, ҳам китоб тарқатиш ишлари билан боғлиқ масалага бориб тақалади.

Ниҳоят, ўзимнинг бу борадаги камтарона таклифларимни билдирсам.

Биринчидан, мамлакатимизда чиқарилаётган борлиқ адабий-бадиий китоблар фақат ва фақат Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фатвоси билан чиқарилса;

иккинчидан, **китоб савдоси, уни республикадаги барча вилоятларга тарқатиш масаласи ҳал этилса;**

учинчидан, **қалам учи (гонорар) ҳақида мутасадди раҳбарлар кенгашиб олсалар. Бир тўхтамга келсалар.**

Шифокорлар тили билан айтганда, ҳар бир хасталикнинг вақтида олди олинганига не етсин. Ҳам жонга фойда, ҳам ҳамёнга. Яра жароҳатга, жароҳат жарроҳга бориб тақалса, уни муолажа қилиш мушкул кечади.

Алҳосил, қора терга тушиб қоралаган хатимнинг қораси кўринай деб қолди. Унинг ичкадай чўзилиб кетганини ўзим ҳам сезиб, ўсал бўлиб турибман. Бунинг икки сабаби бор. Бирламчи — ёшлигим. Иккиламчи — тажрибасизлигим. Бундай хабарларни, умуман, ёзмаганман. Бундан буён тиғ ишлатмай, устарани нарига суриб қўйиб муолажа қилиниши мумкин бўлган, мадда боғламаган жароҳат — иллатлар ҳақида ёзиб туришимга тўғри келади, шекилли.

Отнинг жаҳазларидан бири кам бўлса, аравaнинг олдинга жилиши душвор. Аравaнинг гупчаги ёки ғилдираги носоз бўлса, унда иш чатоқ — манзилга етиш қийин кечади. Дарҳол олди олинса, тузатилса — олам гулистон. Бундан буён чиллахонага кириб олиб, оч қорним — тинч қулоғим, деб ётмасдан, ана шу «оламнинг гулистон»га айланиши учун, ўтирган аравамизнинг, борингки кемамизнинг хавфу хатарсиз манзилга етиб олиши учун бел боғлаб майдонга тушмаган номард. Бу йўлда сизлар билан хатлашиб-хабарлашиб турмаган номард. «Чу!» деса ўзади ўзбекнинг оти!» деган гапга амал қилмаган номард. Сабаби, ўтирган кемамиз ҳам, дарғамиз ҳам, туғи-туғромиз ҳам, тахти тожимиз ҳам, муборак пойтахтимиз ҳам, юрар йўлимиз, борар манзилимиз ҳам бир.

Юксак эҳтиром билан

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

«ПАХТАКОР» — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Пойтахтимизда футбол бўйича ўтказилган Тошкент халқаро турнирининг ғолиб ва совриндорлари маълум бўлди

Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил қилган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг етакчи клублари «Пахтакор», «Нефтчи» ҳамда Ўзбекистон олимпия терма жамоалари билан биргаликда «Сконто» (Рига), «Пюник» (Ереван) ва Белорусия ёшлар терма жамоалари ғолиблик учун майдонга чиқдилар.

ЎФФ ташаббуси билан «SILK ROAD GROOP» компанияси ва «Пахтакор» футбол клуби ҳамкорлигида илк бор уюштирилган ушбу мусобақа қатнашчилари дастлаб икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларда қатнашишди. Сўнгра турнир низомига кўра, гуруҳлар пешқадамлари — «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари финалга йўлланма олди. Ўз гуруҳларида иккинчи поғонани эгаллаган «Сконто» ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари 3 ва 4-ўринлар учун ўзаро баҳс юритдилар.

Жамоалар учун асосан янги мавсум тараддуди вазифасини ўтаган Тошкент турнири бир ҳафта давомида нафақат мутахассислар, балки мухлислар диққат марказида турганлиги билан ҳам ёдда қолди. Ишқибозлар мазкур мусобақа баҳонасида Латвиянинг ўн тўрт карра чемпиони Риганинг «Сконто», Арманистоннинг етти карра чемпиони «Пюник» (Ереван) жамоаси, шунингдек, иқтидорли «чарм тўп» усталари етказиб бераётган Белорусия футбол мактаби вакиллари иштирокида кечган қизғин ва ҳужумкор ўйинлар гувоҳи бўлишди. Мусобақа арафасида кейинги йилларда Европа яшил майдонларида ўтаётган баҳсларда муносиб қатнашаётган «Пюник», айниқса, «EURO-2004»да Латвия терма жамоаси шарафини ҳимоя қилган Михаил Землинский, Михаил Михолап сингари иқтидорли футболчиларга эга «Сконто» клубининг имкониятлари юқори баҳоланганди. Бироқ бу жамоалар гуруҳ баҳсларида пешқадамликни бой бериб қўйишди. Бу эса турнирнинг ҳужумкор руҳда ўтганлигидан яна бир далолатдир.

Равшан Ҳайдаров мураббийлигида майдонга чиққан Ўзбекистон олимпия терма жамоаси кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Асосан, 1985-86 йилларда туғилган ёшлардан ташкил топган футболчиларимиз ўз гуруҳларида Арманистон чемпиони устидан ишончли ғалаба (2:1) қозониб, пахтакорчиларга шу ҳисобда имкониятни бой беришди. Ҳамжиҳатликда ўйин намойиш этган Ҳайдаров шогирдлари «Сконто» билан кечган ҳал қилувчи учрашувда ҳам мухлисларни хурсанд қилди — 2:0.

Ушбу мусобақа айниқса, «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, мамлакатимизнинг бу етакчи клублари 9 март куни Осиё чемпионлари лигаси баҳсларига киришади. Шу куни фарғоналиклар ўз майдонларида Қувайтнинг «Ал-Қувайт» жамоасини қабул қилса, пахтакорчилар Сурияда «Ал-Жаиш» футболчилари меҳмони бўлади. Муҳим учрашувлар олдидан ҳар иккала жамоа ҳам турнирда мазмунли ўйин намойиш қилишга эътибор берди ва маълум даражада ўз муддаоларига эришди. Натижада Тошкент турнири финалида азалий рақиблар — «Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари ўзаро рўбарў келдилар. Учрашув тақдирини биринчи бўлимда Анвар Солиев томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди — 1:0. Шундай қилиб, «Пахтакор» Тошкент халқаро турнири ғолиби бўлди.

— Турнир янги мавсум ва Осиё чемпионлари лигаси баҳслари олдидан футболчиларимиз учун муҳим тайёргарлик босқичини ўтади, — деди «Пахтакор» жамоаси бош мураббийи Тачмурод Агамуродов. — Келажакда бу мусобақа анъанавий тус олишини эшитиб, очиғи, хурсанд бўлдим. Тошкент халқаро турнири энг зарур вақтда ўтказилди. Ишонаманки, келгусида бу мусобақага янада кучли жамоалар таклиф этилса, турнирга бўлган қизиқиш ортиб бораверади.

Мусобақа якунида ғолиб жамоага махсус кубок ва 50 минг, финалчига 25 минг, учинчи ўрин соҳибига 15 минг ҳамда «Сконто» футболчиларига 10 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлар топширилди.

Эркин ХОЛБОБО
Абдувоси ҲАЙДАРОВ
(сурат)

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2005 йилнинг 1,4,11,15,18,22,25,29 март кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади.

Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Шайхонтоҳур тумани:

— «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 2 840 000 сўм.**

— Каттабоғ 7-тор кўчасида, сатҳи 0,012 га, бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 757 680 сўм.**

Юнусобод тумани:

— «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 352 000 сўм;** 2-мавзеда сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 014 000 сўм,** сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 845 000 сўм;**

— Минг Ўрик 1-тор кўчасида, сатҳи 0,04 га. дан бўлган иккита ер участкаси. **Бошланғич нархи — 2 403 960 сўмдан;**

— Ғ.Абдуллаев 2-тор кўчасида, сатҳи 0,04 га.дан бўлган учта ер участкаси. **Бошланғич нархи — 3 047 200 сўмдан;**

— А.Дониш кўчасида, сатҳи 0,015 га.дан бўлган иккита ер участкаси. **Бошланғич нархи — 616 500 сўмдан,** сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 822 000 сўм.**

Мирзо Улуғбек тумани:

— Ҳусанбоев кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 550 200 сўм,** сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 733 600 сўм.**

— Устабоев кўчасида, сатҳи 0,0085 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 146 370 сўм;**

— Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган сатҳи 0,04 га.дан бўлган 15 та ер участкаси. **Бошланғич нархи — 2 072 000 сўмдан.**

Собир Раҳимов тумани:

— Генерал Ғофуров кўчаси ва Тошкент халқа йўли бурчагида, сатҳи 0,04 га.дан бўлган олтита ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 392 000 сўмдан.**

Ҳамда М.Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уйда жойлашган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 1991 йилда и/ч, давлат рақами 10АК 627 бўлган «Москвич-2141» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 574 426 сўм.**

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг сатҳи 116 кв.м.га тенг бўлган қисми. **Бошланғич нархи — 4 714 300 сўм.**

Юқоридагиларга қўшимча тарзда «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 5,8,12,15,19,22,26,29 апрель ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:

Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 62-уйда жойлашган «Kommunal xizmat direksiyasi» шўъба хўжалик жамиятининг 1996 йилда и/ч, давлат рақами 10AR 927 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 780 000 сўм.**

Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 1-бинода жойлашган Давлат дон инспекциясининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

— 1997 й. и/ч, давлат рақами 10AW 595 бўлган «Нексия» русумли а/воситаси. **Бошланғич нархи — 2 219 626 сўм.**

— 1998 й. и/ч, давлат рақами 10AW 605 бўлган «Нексия» русумли а/воситаси. **Бошланғич нархи — 1 988 415 сўм.**

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, қолган объектларга савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Уйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.

Гувоҳнома № 000815

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти Шаҳрисабз консерва заводи раҳбари, партия фаоли **Неъмат Файзуллаевич ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюроси партия фаоли ва меҳнат фахрийси **Раҳимберган КАРИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти жамоаси «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси катта ўқитувчиси Иброҳим Исмоилович Хусиновга падари бузруквори **ИСМОИЛ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2004 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан 2005 йил 10 март куни бўладиган акциядорларнинг умумий мажлиси кун тартибига қуйидаги қўшимча масала киритилди:

1. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш.

Эслатма: Умумий мажлисга доир материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, Фарҳод кўчаси, Чилонзор Г9-А мавзеси «Фарҳод деҳқон бозори»да жойлашган жамият идорасида танишишлари мумкин.

Тел: 117-30-65, 117-43-35.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 254

11400 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda